

Мажбурият масъулият талаб қилади

Мамлакатимизда бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, асосан, фермерлар зиммасига тушмоқда.

Бу ўринда маҳсулот етиштиришда ва уни ўз вақтида етказиб беришда фермерлар билан тайёрловчи корхоналар ўртасида тузилган контрактация шартномаларининг мuddатда бажарилиши муҳим аҳамият касб этади.

Коллаверса, бу борада уларнинг ишларини тартибга солувчи, лозим бўлса, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳужжат шартномадир. Шу маънода шартномавий муносабатлар ишончли ҳамда кафолатли хизматлар сирасига кирди.

Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик оиритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланганидек, "Тарафларнинг бири шартлашган мuddатда бажарилиши шартномада белгиланган тартибда товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади".

Маълумки, барча жойларда йигирма-терим мавсуми тугаган, галвир сувдан кўтарилади ва ишлар сарҳисоб қилинади. Сурхондарё вилоятида жорий йилда галла мавсумида бир қанча фермерлар шартномада белгиланган режаларини бажара олмадилар.

Хўжалик судларида уларнинг ишлари кўрилганда айрим фермерлар томонидан ер, сув, ўғит ва ишчи кучидан унумли фойдалана олмаганлиги натижасида шартнома режасини қоллайдиган ҳосил етиштира олмаганлар.

буну унутганлар кейин пушаймон бўлади

баҳори" фермер хўжалиги ўртасида тузилган 297-сонли контрактация шартномаси яққол мисол.

Шартномадаги келишувга мувофиқ 2007 йил фермер хўжалиги тайёрловчи корхонага 68,3 тонна бугдой топишириши керак эди. Амалда эса бир кило ҳам дон топирилмади. Натижада, "Шўрчидонмаҳсулотлари" ОТАЖга 2.219.800 сўм миқдорда моддий зарар етказилди.

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан фермер етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлди.

Суд мажлисида фермернинг вакили баҳор иссиқ келганини ва бу галла ҳосилига салбий таъсир кўрсатганини вақт кўрсатди. Вақоланки, жорий йилда ушбу ҳудуддаги қўлпаб фермерлар шартномадаги режаларини ортиги билан бажардилар.

Хуқуқий билими етарли бўлмаган баъзи фермерлар шартнома шартларини бажариш мажбуриятини тўлиқ англаб етмаганлари камлик қилганидек уларнинг иши кўрилганда суд мажлисига келиши ҳам уларига эг билмайдилар. Гўё улар ўйлайдики, "Мен бормасам даъвогарнинг иши суд мажлисида кўрилмайди ва менга ҳеч қандай чора қўлланилмайди".

Лекин амалдаги Ўзбекистон Республикаси ХПҚсининг 130-моддасида ишчи кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар хўжалик судининг мажлисига қўлласи,

Бир пайтлар фалончининг банкда ўз ҳисоб рақами ва миллионлаб маблағи бор экан, дейишса, турган галки уни талбага чиқаришарди. Чунки ўша кезларда тадбиркорлик, хусусий мулк ва шунга ўхшаш тушунчалар истеъмолимиздан йироқ эди. Истиқлол яратиб берган экинлар тўғрисида ишбилармонликка ва бошқа соҳаларга кенг йўл очилди. Энди ҳамма бу ақидаларнинг ҳадисини олган, истеъмол бозорини яратиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарапти.

Хизмат кўрсатиш ташкилотидида аҳвол қандай?

дайд хизмат кўрсатуви ташкилотлардаги аҳволи бир тасаввур этиб кўриш-ал Унча-мунча киши бу муассасалар олди-га яқинлашолмасди. Негаки, тизгин марказнинг қўлида ва улар қўлгасмаси бўйича иш тутилари. Энди эса аҳвол тўдан ўзгарган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Мижоз банкни эмас, банк мижозни қидирадиган пайт келди". Ислохотлар қўяётган ана шу талаблар Данғарадаги шохбачада ҳам кенг қарор топган. Айниқса, қишлоқ хўжалиги корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини яқшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Утган давр оралигида тармоқдан галла

Ишончли ҳамкор маблағи ҳисобига

480 нафар киши ишли бўлди



Ишбилармонларни моддий қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада шакллантириш ишларида, айниқса, банкларнинг хиссаси алоҳида ўрин тутади. Данғара туманидаги "Микрокредитбанк" шохбачасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ хизмат кўрсатиш корхонаси сифатида ана шу жамоа турдош банклар орасида ўз ўрнини толди.

Айни пайтда 420 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари қаторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ишбилармонлар унинг доимий мижозига айланган.

Хукумат қарорига кўра туманда касаначилик ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича ўтган ойларида 84 нафар кишига 142 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бир мисол. Тасарруфдаги энг чека қишлоқда яшовчи Бодомгул Бозорова вақтинчалик ишчи ораганлар сирасидан эди. Банкнинг имтиёзли кредити тўғрисида хонадонига барака кирди: тикчи-бичиш дастгоҳлари сотиб олиб, ҳам ўзини, ҳам атрофдагилардан 10 нафарини доимий иш билан таъминлади.

Ёки Ёдгоржон Халилов ногиронлик мактабин олдандан сўнг бирор юмушга ярамай қолганди. Давлатдан ажратилган нафақага кўз тикиб туриш ҳам инсофдан эмаслигини англаб, банкка мувожаат қилди. Ажратилган маблағга ҳеч иккиланмай 4 бош қорамол сотиб олди. Хозир у 8 бош бўлган, хонадонидидаги 3 нафар киши иш билан банд, уларга меҳнат дафтари остида иш билан банд бўлишга қўлларини қўйди.

"Микрокредитбанк"нинг мижозларга кўрсатаётган хизматлари ва унинг самараси хусусида бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо ўша бошқа бир нарсаси хусусида мулоҳаза юритмоқчимиз:

— Бундан атиги 16 йил аввал ана шун-

ва пахта етиштириш самарадорлигини ошириш учун мулкдорларга 900 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада, жорий мавсумнинг ўзидида галла етиштириш бўйича ҳосилдорлик 32 центнердан, 36 центнерга, пахтачиликда эса 24 центнердан 26,5 центнергача ўсди. Уналб мулкдорларда эса бу кўрсаткич 40-45 центнердан тош босди.

Тадбиркорларнинг лизинг асосида техникалар сотиб олишига шартнолар яратиб бериш борасида ҳам банкнинг истиқболли режаси ишлаб чиқилган. Шу кунгача 4 та кичик ишлаб чиқарувчи корхоналар ва 15 та фермер хўжаликлари бу имкониятдан баҳраманд бўлишди. Мухими, ажратилган кредитлар натижасида сифатли маҳсулотлар кўпайётганидан ташқари 480 нафар кишининг доимий бандлигини таъминлашга эришилди.

Бу борада туман тасарруфдаги "Етти қамал" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоасининг саъй-ҳаракатлари эътиборга молик: дастлаб 5 миллион сўм кредит билан иш бошлаганида озгина қўл етмаганлар "Эссиз, шунча маблағ ҳавога сочилибди" дейишганди. Аммо жамоа ахли гумонлар асосиз эканлигини меҳнати самарасида кўрсатишди. Хозирги кунда бу жойда ўнлаб янги иш ўрни ва бир неча турдаги маҳсулотлар аҳолига етказиб берилиши қаторида ҳар ойда 37-40 миллион сўм нақд пул банкка топирилмоқда.

Паррандачиликка ихтисослашган

Ана шундай долзарб паллада банкдагилар ҳам қўл қовуштириб туришмаганди. Яқинда улар фермерлар оғирини енгилатиш мақсадида битта ташаббус кўрсатишди: яъни банк ҳисобидан 75 нафар кишига Беларусда ишлаб чиқарилган велосипед совға қилинди.

Шохбача бўлими бошлиғи Акбаржон Мелибоевнинг таъкидлашича, асосий ишлар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилмаётган экан. Шунингдек, мижозларни етарлича маблағ билан таъминлаш билан бирга хукумат қароридан келиб чиқиб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. 20 нафар шундай кишиларга уй-жой жиҳозлари ва бошқа нарсалар харид қилишига кўмаклашилди, дейди у.

Кискас, "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўли билан одамлар фаровонлигини оширишга йўғрилган истиқболли режалар ҳам бир талай. Энг асосийси, мижозлар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган: банкка кирган киши бу ердан ноумид чиқмайди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СУРАТДА: шохбача бўлими бошлиғи Акбаржон Мелибоев фермерларга велосипед топишратган пайт.

Баҳодир ЮНУСАЛИЕВ олган сурат.

Фарғона вилояти

Шартнома — ҳуқуқий ҳужжат

фойзи миқдориди, яъни 81.180 сўм зарар келтиради.

Хўжалик судининг қарори билан жавобгардан даъвогарга етказилган зарар ўндирилди.

Давлат эҳтиёжи учун галла топириш шартномасини бажармаган фермер хўжаликларида қопланмаган имтиёзли кредит маблағларини ва моддий зарарларини ўндириш бўйича судларга тўлиқ даъво аризалари киритилмоқда. Эндилкида бу ҳолат ҳар бир фермерда олган мажбуриятини бажариш борасидаги маъсулият ҳиссини кучайтириши шубҳасиз. Лекин шунга қарамадан шартнома лафз эканлигини унутиб қўяётган фермерлар йўқ эмас.

Ҳатто, айрим фермерлар тайёрловчи корхоналар билан шартнома ҳужжатини имзолашган бўлса-да, амалда бу шартноманинг ихросини таъминлашни ҳаёлларига ҳам келтирмаган.

Бунга "Шўрчидонмаҳсулотлари" ОТАЖ билан Кумқўрғон туманидаги "Боботог

зарарни қоплашга мажбур бўлди.

Суд мажлисида фермернинг вакили баҳор иссиқ келганини ва бу галла ҳосилига салбий таъсир кўрсатганини вақт кўрсатди. Вақоланки, жорий йилда ушбу ҳудуддаги қўлпаб фермерлар шартномадаги режаларини ортиги билан бажардилар.

Хуқуқий билими етарли бўлмаган баъзи фермерлар шартнома шартларини бажариш мажбуриятини тўлиқ англаб етмаганлари камлик қилганидек уларнинг иши кўрилганда суд мажлисига келиши ҳам уларига эг билмайдилар. Гўё улар ўйлайдики, "Мен бормасам даъвогарнинг иши суд мажлисида кўрилмайди ва менга ҳеч қандай чора қўлланилмайди".

Лекин амалдаги Ўзбекистон Республикаси ХПҚсининг 130-моддасида ишчи кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар хўжалик судининг мажлисига қўлласи,



Айбдорлар қўлга олинди

Яқинда франциялик расом Клод Моне асарига путур етказилганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилгандик. Маҳаллий полиция олиб борган тезкор ҳаракатлар натижасида бу ишни содир этган беш киши қўлга олинди.

Ушланганларнинг биттаси асарни мушти билан уриб, суратга зиён етказганини тан олди. Айбдорларнинг тўрттаси йигит киши, биттаси киз бола эканлиги айтилмоқда. Улар 18-19 ёшлар атрофида бўлиб, Париж шаҳрининг чека туманларида истикомат қилишадди.

— Уларнинг ҳаракатлари тушунарсиз, — дейди полиция маҳкамаси бошлиғи. — Лекин бир нарсаси аниқ, ёшлар кучли алкоғол таъсири остида бўлишган.

Уларга қандай жазо берилиши ҳозирча номалум.



Юртимизнинг тарихий иншоотларига сўйқал беришда, умуман, уларни жаҳонга таништиришда Самарқанд шаҳридаги вилоятларо миллий-амалий санъат "Усто" бирлашмасининг ўзига ҳос меҳнати муқаддас.

— Бизнинг бажараятган бугунги юмушлар нафақат юртдошларимизга, балки ҳар қандай хориқлик меҳмонларга ҳам манзур бўлмоқда, — дейди бирлашманинг бадиий раҳбари, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби Жўрақул Иноятов.

Хасан ПАЙДОВ олган сурат.

Аслида ким ноҳақ?

Бағдод марказий қўчаларида фуқаролик машинасини ҳайдаб кетаётган икки аёлни отиб ўлдирган қўриқчилар ким эканлиги маълум бўлди. Улар австралиялик бўлиб, Unity Resources Group (URG) хусусий қўриқчилик фирмасининг ходимлари экан.

Қуролланган қўриқчилар давлатга тегишли бўлмаган компаниянинг тўртта машинасини қузатиб борган. Маъқур компания АҚШ халқаро қўмитаси томонидан рўйхатга олиниб, Ироқда биноларнинг реконструкцияси билан шуғулланарди. URG фирмасининг раҳбари сўзларига кўра, машиналар томонга катта тезликда бегона машина яқинлашган. Огоҳлантирувчи бўйруқ ва ўт очилишга қарамадан машина ҳаракатланганида давом этган. Шундан сўнг қўриқлаш хизмати ходимлари кетма-кет машинани ўқда тутишган. Вафот этган аёллар христиан динига эътиқод қилувчилар эканлигини Ироқ ички ишлар вазирлиги Абдул Карим Халаф таъкидлаб ўтди.

Примадонна сахнадан кетмоқчи

Россия эстрада юлдузи, бутун дунё мусиқа оламининг бетакор қўшиқчиси Алла Пугачева янги йилгача сахнани тарк этишни мўлжаллапти. Бу ҳақда рус оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди. Агар маъқур хабарлар ўз тасдиғини топса, бу йилги концерт унинг фаолиятдаги сўнгисини бўлади.

— Энди мен кетишим керак. Ахир ёшларга ҳам ўрин бўлмашди лозим-ку, — дейди у. — Менимча, бу фаолиятимдаги охириги концерт бўлади.

Унинг санъатдан кетишига билринчи сабаб, соғлиғи билан боғлиқ муаммолардир. Концерт мобайнида унда кучли зўриқиб ҳолатлари кузатилиб турди. Айниқса, ҳар бир қўшиқдан сўнг унда йўтал кучайиб борарди. Пугачева санъатни тарк этиб, яқинда оған "Алла Радиоси" радиостанциясида иш олиб боради.

Фил рашики кучли экан

Москва ҳайвонот боғида ишловчи қирқ ёшли Ольга Гореловская фил берган зарбадан сўнг вафот этди. Бу кутилмаган ҳодиса жонзоти машинага юклаш чоғида рўй берди.

Ольга эркак филни арқалаб, машинага чиқараятган бир пайтда урғочи фил унга оёқ билан ташланади. Ҳайвонот боғи ходимлари Ольганинг зудлик билан шифохонага элтिलाди, бироқ жароҳат асорати кучлилик қилиб, аёл ҳалок бўлади. Маълум бўлишича, Ольга Гореловская филлар билан 10 йилдан бери ишлаб келган.

Мутахассисларнинг фикрича, урғочи филда рашик туғуси жўшиб кетган.

Бундай ҳолат 2001 йилнинг февралда ҳам учраган. Унда катта бир фил 44 ёшли Александр Тереховани эзиб қўйганди.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида И.ТИЛЛАБОВ тайёрлади.

Янги конлар кўз очади

"Тошгузар—Бойсун—Кумқўрғон" темир йўлининг ишга туширилиши геологлар учун ҳам ер тилсимларини янада кўпроқ очишга имконият яратди

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, келажақда барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан унинг табиий бойлиқларига боғлиқ. Шукрим, бизнинг юртимиз заминидида бундай бойлиқлар бисёр. Ер тилсимини очиб, истиқболли янги конларни топиш, тадқиқ этиш эса контотпарлар, яъни геологлар зиммасига юклатилган.

Қашқадарё геология-қидирув экспедицияси давлат корхонаси ҳам узоқ йиллардан бўён воҳа заминидида кенг қўламли геологик-қидирув ишларини олиб боришиб, қўлпаб янги конларни очишга муваффақ бўлганлар.

Биз шу ҳақда "Қашқадарё ГҚЭ" давлат корхонаси директори Равашан Умурузоқовга бир неча саволлар билан мувожаат қилдик.



— Геология-қидирув экспедициясининг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Бизнинг корхонамиз асосан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида қазилма конларини излаш ва тадқиқ этиш ишлари билан шуғулланади.

Мамлакатимиз сановатининг минерал хом ашё захираларини яна ҳам кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ўта зарур бўлган минералларни излаш бизнинг корхонамиз фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шунингдек, бизнинг меҳнат жамоамиз фойдалани қазилма бойлиқларини излашни режалаштириш ва қидирув ишларида воҳа худудининг фойдалани қазилмалар салоҳиятини баҳолашга асос қилиб олинандиган турли масштаблардаги геологик ва геофизик хариталар тайёрлаш мақсадида кенг қўламли тадқиқотлар ҳам олиб боради.

Айниқса, истиқлолга эришганимиздан кейинги йилларда фаолиятимиз тубдан ижобий томонга ўзгарди.

Авваламбор, корхонанинг мод-

раси сифатида қандай конлар рашга туширилди?

— Маълумки, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудини битумас-туганмас ҳазинага қиёслаш мумкин. Бу худудда чегараланмаган жуда кўп фойдали қазилма конлари мавжуд. Узоқ йиллар давомида олиб борилган геологик-қидирув ишлари натижасида бугун сановат корхоналарини хом ашё билан таъминлашга хизмат қилаётган ўнлаб қурилиш материаллари конлари ишга туширилди. Жумладан, Шар-

90 дан ортиқ нометалл конлари ишлаб чиқаришга топирилган.

Хозирги кунда Хандиза полиметалл қонида Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати иш бошлади, Телпақтон калий тузи қонидан эса тузни қазиб олиш ва калий ўғити ишлаб чиқариш учун Дехқонобод туманида катта завод қурилиши ишлари Хитой Халқ Республикасининг "СИТИК" ва Россиянинг "ЗУМК. Инжиниринг" компаниялари билан ҳамкорликда олиб борилмақда.

Шу ўринда ўтган йиллар давомида Жанубий Ўзбекистон худудидида фойдали қазилма конларини топишда фидойилик қилган, ўз меҳнатлари билан бу ишларга катта хиссаларини қўшган узоқ геологларнинг номини фахр билан айтиб ўтишни лозим деб биламан. Т.Шоҳабов, В.Брюков, Ш.Эргашев, А.Каримов, Ю.Илхомов, О.Никитина, Ю.Қурбонов ва А.Нельматов каби контотпарлар шулар жумласидандир.

— Маълумки, жорий йилнинг 24 август кун "Аср мўъжзаси" номини олган "Тошгузар—Бойсун—Кумқўрғон" темир йўли ишга туширилди. Албатта, бу ушбу худудларда юзага чиқмаган ер ости қазилма бойлиқларини ўзлаштириш учун катта имконият яратди. Бу ўз ўрнида геология-қидирув ишлари қўламли кенгайтиришни тақозо этса керак?

— Қазилма бойлиқларини ишга тушириш ва ундан фойдаланишда, маблағ сарф-харажатларини камайтиришда темир йўллар жуда-жуда иш беради ва катта аҳамият касб этади.

Янги йўналишдаги ушбу темир йўлнинг бунёд этилиши ушбу худудларга янги ҳаёт, улкан ўзга-

Интилиш

ғун, Бойсун, Қоратепә, Бешбўлоқ цемент, Хўжайкон, Бойбечакон, Хаупақтон ош ва калий тузлари, Хаудак, Арабашт бентонит конлари ишга туширилди. Шунингдек, безак мрамар тошлари, гипс, қум-шағал, ноёб ер металлари ва шунга ўхшаш

Хозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолати юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмақда.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида божноналар қиймати 2 миллиард 644 миллион сўмлик сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб қилиб, тегишли тартибда йўқ қилишди.

Давлат божнона қўмитаси Матбуот хизмати

Янги конлар кўз очади

д-техник базиси мустаҳкамланди. Хукуматимиз томонидан бу соҳага берилган эътибор тўғрисида фаолиятимиз ижобий ўзгаришлар сари эг тутди.

Натижада, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши жараёнидаги ўз хиссамизни қўшмоқдамиз.

— Қилинган ишларнинг сам-

Божнона хабарлари

ришлар олиб келиши шубҳасиз.

Темир йўл ўтган худудларда эса қўлпаб табиий бойлиқлар захираси мавжудлиги аллақачон аниқланган. Энди эса уларни ишга тушириш учун имконият яратилди ва ҳозирда ноқад борада маълум ишлар бошлаб юборилган. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг топириғига биноян Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида Қашқадарё ва Сурхондарё тоғларидаги истиқболли майдонларида геология излаш ва қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилди. Унда бизнинг жамоамиз томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар аниқ кўрсатиб қўйилган.

Ушбу Дастурда Дехқонобод тумани худудидида минерал хом ашё базисини яратиш мақсадида каттиқ қазилма конларини илмий ўрганиш, излаш ва қидириш ишларини жаддалаштириш таъкидлаб ўтилган.

Дастурда бизнинг корхонамиз қошида Дехқонобод гуруҳини тузиш ва унинг ишлаш базисини тўлиқ худудидида жойлаштириш, янги қурилган темир йўл атрофидаги маъданли ва номадан фойдали қазилма конларини излаб топиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаб бериш белгиланган.

Корхонамиз ушбу олдимиизга қўйилган мақсадни ўз вақтида амалга ошириш учун барча имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда жамоамизнинг Н.Турсунов, К.Раҳимов, А.Нормўминолов, Р.Ражабов, А.Рўзиев каби геологлари, бурғучилари, тоғ усталари ва ишчилар жонбозлик кўрсатиши шубҳасиз.

Коллаверса, олдимиизга қўйилган вазифаларни бажариш учун корхонанинг ҳар бир ходими маъсулиятини ҳис қилган ҳолда Ватанимиз ҳазинасини бойитиш, янги-янги конларни очишга астойдил бел боғлаган.

Сухбатдош:
Ханифа ШАМШИЕВА,
Қашқадарё вилояти.

Сифат яхшиланмоқда

Акциядорлик тижорат "Пахта Банк"нинг Навоий вилояти бошқармаси жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда деҳқон фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш кўламини йилдан-йилга кенгайтириб, сифат жиҳатидан тақомиллаштириб бормоқда.

ни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйиш мақсадида 344,1 миллион сўм миқдорда кредитлар йўналтириб берилди. Бу эса йил бошига нисбатан 105,3 миллион сўмга кўп демакдир. Банк жамоасининг ҳосилини йиғиб-териб олишда эмас, балки уни етиштириш, экинга ишлов бериш ва бошқа жараёнларда фаол иштирок этаётганлиги ҳам эътиборга молик ҳол-

доимо ишлаб турибди. — Пайкалларда пахтага йиғиб-териб олаётган иштирокчиларга, ҳашарчиларга ўз вақтида меҳнат ҳақи тўлаш асосий вазифамиз ҳисобланади, — дейди АТ "Пахта Банк"нинг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ғолиб Содиқов. — Пахта тозалаш корхоналари томонидан ҳар бир хўжалик бўйича қатъий равишда пахтага қабул қилиш топшириш ҳужжатлари асосида теримчиларга банк бўлимлари томонидан меҳнат ҳақи бериб берилмоқда.

Хизмат аҳамият касб этаётир. Сир эмас, катта миқдордаги технологик жараён доимий равишда капитал маблағларни талаб қилади. "Қизилтепа" пахта тозалаш очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 7 та пахта қабул қилиш масканлари ўз вақтида сифатли таъмирдан чиқарилганлиги сабабли ишда узилиш бўлмапти. — Бу мавсумда биз 551 та фермер хўжаликларида 28 минг 390 тонна-

Оқдарёнинг оқкўнги одамлари

Оқдарёда "Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бундай эзгу ишларнинг ташаббускори туман прокуратураси бўлди. Яъни, шу йил бошиданок туман прокуратураси ходимлари фуқаролар билан учрашиб, дилдан сўхбат қуришди. Шу асосда прокуратура томонидан тумандаги 113 та қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларнинг имкониятлари ўрганилди. Қўлидан иш келадиган турли касб эгалари, ҳақиқий хунармандлар кўпчилиги аниқланди. Шунингдек, тумандаги кам таъминланган оилалар, бевабачоралар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар билан ҳам учрашиб, улардан кўнги одамларни сўради.

Саховатпешаликда ибрат бўлишмоқда бошқа турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган 224 нафар бўлажак тадбиркорга микрокредит ажратилиши ҳақида туман прокуратураси банкларга тақлиф билан чиқиши лозим. Прокатура томонидан бу иккала вазифа изчиллик билан амалга оширилди. Бунинг қарангки, туманда саховатпешаликда 85 ёшдан ошган қарияларга моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп қисми ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, қўлтиқтақлар ва бошқа техник воситалар билан таъминланди. — Тўшакка михлиниб қолганимга анча бўлди, — дея гап бошлади Лойиш шаҳарчасида яшовчи Илхом Ҳофизов. — 56 ёшданман. Тўрт нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Хайринисо доимо менга кўмакчи. Чунки, икки оғвим ишламай қолган. Соғ-саломат, ўйнаб-қулиб юрган талабалик ва ўқувчилик даврининг армон ва ўқин билан эсламан. Рус тилидаги китобларни ўзбекчага таржима қилганман. Уйимга оқибатли кишилар келиб кўнги одамларидан бўлади севинаман. Яқинда уларнинг кўмаги билан аравачалик бўлдим. Дарҳақиқат, туман прокуратураси банкларга киритган тақлиф асосида 60 нафардан зиёд тадбиркор бошланғич сарможага эга бўлишди ва тадбиркорлики бошлаб юборишди. Хуллас, Оқдарёда меҳр-оқибатли, саховатпеша, очик кўп ва очик кўнги одамлар кўп. Илоҳ, шундайлар доимо бор бўлишин, уларга омад ёр бўлсин!



Тадбиркорлардан совға олган мактаб фахрийси Халима Халипова бугунги даврдан мамнулигини яширолмади.

"Пахта Банк" молиявий мададкор

унинг кўмаги навоийлик фермерларга қўл келмоқда

Айни чоғда бошқарма тизимнинг барқарорлигини таъминлаш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш, банк ресурсларига самарадорлигини ошириш, замонавий банк хизматларини унинг янги турлари ҳисобига кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштириш йўлида белгиланган режа асосида фаолият юритмоқдалар.

Бугунги кунда банкнинг 8 та филиали ҳамда 19 та минибанклари томонидан 7998 та мижозларга намунали банк хизмати кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг 3544 тасини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Бошқарма томонидан амалдаги йилнинг ўтган даври мобайнида қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермерларга техника олишлари учун умумий қиймати 858 миллион сўмлик кредитлар ажратилиб, мулкдорларга 5 та Германияда ишлаб чиқарилган "Класс Доминатор-130" русумли галла ўриш комбайни олиб берилди. Бундан ташқари ўтган йилнинг куз ойларида "Узэкопромбанк" да ўтказилган минитехнологиялар кўргазма савдосида вилоятдан иштирок этган қишлоқ хўжалиги корхоналарига, фермерларга Беларуссияда ишлаб чиқарилган 9 та "МТЗ-80Х" русумли тракторлар банк кредити ҳисобидан берилди. Айни паллада фермерлар мазкур техникалар кундан самарали фойдаланишга тайёр. Жумладан, 2007 йил ҳосилини молиялаштириш мақсадида 1364 та фермер хўжаликларига 11115 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Натияжада, банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатиладиган кичик бизнес субъектлари сонини шу чоғча 2913 тани ташкил этган бўлса, улар сафига яна 385 та мулкдорлар қўшилиб қўшилди. Чунки, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида кичик бизнес субъектларининг 312 та лойиҳаси молиялаштирилган бўлиб, ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 1541,9 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1126 миллион сўм кредит берилди. Шу билан бирга деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси-

Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилдаги "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг филиаллари томонидан амалдаги йилнинг ўтган даврида 108 та ёш оилаларга 254,5 миллион сўм истёмолик кредити ҳамда 40 нафар мижозга эса 95 миллион сўм микрокредит ажратилди, — дейди банк бўлим бошлиғи Дилшод Хусенов. — Айни вақтда ёш оилаларни моддий ва маънавий қувватлаш бо-расидаги кенг кўламли ишлар давом эттириляпти.

Масалан, Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Сулфитдин Адизовга 3 миллион сўм истёмолик кредити ажратиб берилди. Еш оила бошлиғи бу маблағга уй-рўзгор буюмлари сотиб олди.

Иш ҳақи далада тарқатилмоқда Сир эмас, йигим-терим мавсумининг муваффақиятли ўтаётганлигида унинг барча иштирокчиларига ўз вақтида иш ҳақи берилаётганлиги, айниқса, қўл келмоқда. Мазкур вазифани "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси адо этиб келяпти. Узбекистон Республикаси Президентининг "2007 йил пахта ҳосили хом ашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олишни таъминлашнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан тўғрида қатнашаётганларга берилган пахта учун ҳар беш кунда ҳақ тўлаш кўрсатиб ўтилган. Пахта йигим-терим даврида унинг иштирокчиларини ўз вақтида меҳнат ҳақи билан таъминлаш ва уларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш мақсадида бошқарма ва унинг филиалларида ишчи гуруҳлари тузилган. Ишонч телефонлари

Бу жараёни назорат қилиш мақсадида банкнинг ҳар бир бўлимида ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Улар пул тушишини ва бу пулнинг теримчиларга қўлига етиб боришини

дан зиёд қимматбах хом ашёни қабул қилишни режалаштирганми, — дейди "Қизилтепа" пахта тозалаш корхонаси тайёрлов бўлими бошлиғи Сулаймон Алиев. — Ҳозиргача аксарият мулкдорлар ўз зиммаларидаги режаларини адо этишди. Назаримда жамоамиз кўлга киритаётган барча ютуқларда "Пахта Банк"нинг ўз ўрни бор, деб ўйлайман. — Пахтанинг сифати қандай? — сўраймиз. Навоҳар пахта тозалаш заводи бош бухгалтер Бахтиёр Усмоновдан. — Э, сифатига гап йўқ. Ҳар кун 1200 тоннага етказиб қабул қилинаётган пахтага юқори навларга олаёяпти. Мавсум давомида 40 минг 449 тонна хом ашё қабул қилиш режалаштирилган. "Пахта Банк" билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги сабабли иш ҳақи ўз вақтида кенгитирмасдан бериб боришмоқда. Натияжада, "оқ олтин"имизнинг толаси яхшиланиб бормоқда. Маскан ҳовлиси гўё олтин тоғларини эслатади. Ҳовлини айланиб юриб уюм-уюм пахта ҳосилини кўриб завқ-шавқ туясан киши. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, АТ "Пахта Банк"нинг Навоий вилояти бошқармаси минтақани ҳар томонлама тараққий эттириши, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга бундан кейин ҳам ўзининг муноси ҳиссасини қўшаверинди.

Эътироф Навоий вилояти "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг "Пахта Банк" билан ҳамжиҳатлиги корхоналарнинг молиявий аҳолини барқарорлаштиришда муҳим

Улугбек ЖУМАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири. Навоий вилояти

Шижоатли амударёликлар

Бу ерда ҳар йили давлатта маҳсулот топшириш режалари орқали билан бажарилади. Бу йил ҳам ана шу аниқ ва қатъий амал қилиниб, барча соҳалардаги қўланган мақсада эришиб келинади. Айниқса, жорий йилда пахтачиликда кўлга киритилган муваффақиятлар қувонарли бўлиб, шартномадаги 32700 тонна ўрнига 36 минг тонна юқори сифатли қимматбах хом ашё сотилди. — Бунда бизнинг ҳам ош бўлса-да ҳосилимиз борлигиндан мамнунми, — дейди тумандаги "Азимбойхў" фермер хўжалиги раҳбари Мансур Ҳўжамаев. — Мавсуд 53 гектар ердан 132 тонна пахта сотдик. "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш булар чиройлик" деганларидек ҳозиргача фақат пахтачилик

дан 51 миллион сўм даромад олдик. Таянч 15 миллион сўмлик фойда

Туманимизда қишлоқ хўжалиги йил сайин кескин ривожланиб бораётганлигининг асосий омилли — ҳар бир деҳқонда масъулият ҳисси ошганлиги, ернинг ўз эгасига топширилганлиги, моддий манфаатдорликка эришилганлигидадир, — дея гуруҳ бериб, туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Бақдир Ерниезов. — Масалан, пахтачилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари сонини 518 та бўлса, бу йили уларнинг камида 94-98 фоизи шартнома шартларини бажаряишди. Бу

Мавсум йил ҳам бу борадаги кўрсаткичлар қувонарли бўлмоқда. Айниқса, "Ерленис", "Ешнелис", "Юсуфхўжа", "Амирхон", "Бешбоёв Курбонғали" каби бир

неча ўйлаб фермер хўжаликлари гектарига 42-47 центнердан зиёд сифатли пахта сотишди. Айни пайтда пахтачиликдан қўриладиган даромад 20 фоиз кўп бўлиши мўлжалланмоқда. Пахтачиликдан ташқари қишлоқ хўжалигининг бошқа барча соҳаларида ҳам юқоқ натижаларга эришган минг нафардан зиёд фермерларимиз келаси йил тайёргарлигини ҳам бошлаб юборишди. Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири. Қорақалғистон Республикаси

Бойтераклик оддий сувчи бой фермер бўлди

Бойтераклик оддий сувчи Баҳром Примов ҳам биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига қўшилди. "Бойтерак" фермер хўжалиги ташкил этилиб, 42 гектар майдонда деҳқончилик қилинди. Кейинчилик раҳбарлигини тўғич фарзанди Бахтиёрга топширди. — Уғлим. Ерга меҳр бер, ерни боқсанг, унга ҳақ берсанг муродингга етасан, — дея насиҳат қилди у ўғлига. Ота ўғити Бахтиёрга куч-қувват бағишлади. У фермерлик имкониятлари, унинг келажаги ҳақида ўйлади. Замонавий фермер қандай бўлиши керак? — деган саволга жавоб излади. Бахтиёр Примов бошлиқ "Бойтерак" фермер хўжалиги аъзолари ҳам бу йил меҳнатда катта муваффақиятларга эришдилар. Дондан кўзда тутилган 35 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил олинди. — Пахтаимиз ҳам баракали бўлганди, — дейди фер-

мер хўжалиги сарқори. — 37 гектар майдондан давлатта режадаги 127 тонна ўрнига 150 тонна қимматбах саноат хом ашёси сотдик. Яъни даромадимиз 62 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Шунинг 40 миллион сўми соф фойдадир. Ниятимиз катта. Фермер хўжалиги бўйича ялғи хирмонни 162 тоннага етказмоқчимиз. Бу билан 42 центнердан хирмон кўтарилди, — дейди Б.Примов. — Фермер хўжалигининг эртаси ҳақида қайғурмасак кеч бўлади, — дея сўзидан давом этди у. Даромад эвазига 2 та чоғик, 1 та транспорт тракторини лизингга олмақчимиз. Ер майдонини 50 гектарга етказамиз. "Бойтерак" фермер хўжалиги аъзолари эзгу мақсадлар билан меҳнат қилишяпти. Зеро, мулкдорликнинг асосий талаби ҳам ана шундан иборатдир. Хусан ТЕМПРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири. Қашқадарё вилояти

Даладаги хирмондаги ҳисоб

ди. 6026 гектар майдонда деҳқончилик қилган туман пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатта пахта сотиш режасини бажардилар ва қабул масканларига 9600 тонна қимматбах саноат хом ашёси етказиб бердилар. Пахта йигим-теримига катта тайёргарлик билан киришилганлиги ва терим машинлари кўчидан унмлик фойдаланилганлиги, айниқса, режанинг тез бажарилишида қўл келди. Хамроз АЛИ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири. Бухоро вилояти

Республика акциядорлик-тижорат банки "Фаллабанк"

Компьютер техникасини сотиб олиш бўйича конкурс эълон қилади. Конкурсда қатнашиш учун тақлифлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади. Қўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 700060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 2-қават, 213-хона. Тел.: 136-16-03.

Утерянный диплом № В 048695, выданный 04.07.2001 г. Ташкентским Государственным Педагогическим университетом им.Низами на имя Хуснулдиной Эльмиру Рафаэльвны, считать недействительным.

ИБРАТ

Ёшларни қўллаган фермер Мирзачўл туманидаги "Туркистон" фермер хўжалиги раҳбари Омонгелди Болиев 11-умумтаълим мактабини ўз оталигига олган. Мактабни таъмирлаш учун ҳар йили маблағ ўтказиб бермоқда. Кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандларини дарсликлар ва ўқув анжомлари билан таъминламоқда. Ўтган йили олийгоҳда ўқиётган икки талабага контракт пулини ўтказиб берди. Олийхуммат фермер қўриб берган ўй эвазига эса уч оила бошлангли бўлди. Нияти — фақат эзгу ва хайрли ишларни қилиб, эл дуосини олиб юришдир. Бўрибой НОРКУЛОВ Жиззах вилояти

Advertisement for Belarus tractors, featuring images of MTZ tractors and text: "Узбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали МТЗ 'Беларус' ТРАКТОРЛАРИ МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ. Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11. KAMMAZ ARSENAL Тел: 281-40-33, 281-40-90, 281-40-75"

Ўзбекистон Республикаси ХАЛҚ БАНКИ

Advertisement for Halq Bank, featuring images of people and text: "Пахта йигим-теримида қатнашаётганларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 'ПАХТАКОР' ва 'МАДАДКОР' омонат турларини ТАҚЛИФ ЭТАДИ. 'Ёш оила'ларга барча имконият ва қулайликларни яратган ҳолда, улар учун 'ЁШ ОИЛА' - омонат турини амалиётга ТАДБИҚ ЭТАДИ. Омонатга маблағлар 30 ЁШГАЧА бўлган ёш оила аъзоларини (эр ёки хотин) бирининг номига йиллик 24 ФОИЗ даромад тўлаш шарти билан 6 ой муддатга камида 100 000 СЎМ миқдоридан қабул қилинади. Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланади (капитализация) қолдиққа қўшилибди. Шунингдек, банкка ишонч билдирган мижозларга 'Фаровон ҳаёт', 'Имкон', 'Самара', 'Ташаббус-1', 'Даромад плюс', 'Фарзанд келажаги', 'Афзал', 'Матонат', 'Мустақил ҳаёт', 'Шодлик', 'Махалла фидойилиги' каби миллий ва чет эл валютасидаги 20 дан ортиқ омонат турларини тавсия этади. Омонатларга маблағлар Халқ банкнинг барча муассасалари орқали қабул қилинади. ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!"

Ўқинг қизиқ

Кушларнинг учиб

баландлиги аниқ бўлди

Кушларнинг қанчалик баланд учиб қолгани аниқлашда уларнинг аниқлайдиган асбоб кифолати бўлди. Унинг вазни, хатто, бир грамм ҳам келмайди. Унинг ёрдамида бу кунгача фақат маълум бўлмаган бир қанча қизиқ масалаларни аниқлашга эришилди.



Маълум бўлишича, каптарлар 1700 метр, қалдирғочлар эса хатто 4000 метр баландга кўтарила оларкан.

Бу кунгача бу кушлар 300 метрдан юқори уча олмайди деб тахмин қилинади.

Бугунги 14 минг ёшда

Нил водийсидаги Луксор ва Асвон шаҳарлари оралиғида жойлашган кумликдан археологлар ер ҳайдашда, бугунги ёшларнинг қадрига эришилди.



Ана шу топилмаларни синглаб текшириб чиққан мутахассислар Нил водийсида бундан 14 минг йил аввал бугунги ёшларнинг қадрига эришилди.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

Ёмонликка малҳам фақат яхшилик

Яхшилик — дунёнинг қалити. Нега яхшиликни кутиб ашашимиз баробарида унинг қадрига етмаймиз, чин баҳосини бермаймиз? Нега яхшиликни оғринтириб, ёмонлар тегиригига сув қуямиз. Ёмонлар кўриб унинг истагини бажо айлаймиз.

Айни чоқда Яхшининг ўғити-ю битиги эътибордан олисда қолади, кўнглида малол ўйғотади. Яхшининг минг яхшилиги бир сари-ю, ёмоннинг бир ён бериши бир сари. Ахир бу билан яхшиликнинг қадрини тушириш орқали ёмонликка йўл очмаймизми?

Эътибор берсангиз, инсон ёш ва нави-ронлик палласида қалби беғубор, самийи туйғуларга тўлиб-тошади, у ён-атрофидаги қариндош-уруғлари, дўстларига эзгулини соғиниб яшайди. Вақт ўтиши билан ундаги бу ноёб ҳиссийат аста-секин сусаяди. Чунки, у ҳаёт-

ни кузатиб, кўпинча яхшиликка ёмонлик кўрганлар арзи-ҳолини тинглаб ёки бир неча бор ўзи пешонасини деворга уриб, шу "мудҳиш" фикрга келиб қолади. Ёмонликни кўравериб юраги да бўлган киши фақат ўзи эмас, те-варигадаги яқинларида ҳам яхшиликка ёмон муносабатни шакллантира олади.

Инсон ўзинг...

Натижада, бировнинг мушқулини енгиллаштиришга бел болаган шахс ўзи устига чаён орқалиган тошбақа ҳолатига тушиб, яхшиликнинг қисмати ни кута бўлайди.

Лекин барибир яхшилик, албатта, енгади, яхшиликнинг наинки қисмати, шунинг баробарида ҳикмати, олқиши ҳам йўқ эмас.

Юсуф Хос Ҳожиб дебдур:

— Ёмонлик оғдир, бу оғуни ема, оғу еган киши тирикчиликдан баҳраманд бўлмайди. Ёмон бўлма, номингни ёмонлик билан чиқарма, бу ўлимдан ҳам уятли.

Лукмони Ҳаким айтди:

— "Ёмонлик ўтини ёмонлик ўчиради", деган одамлар бекор айтибдилар. Икки ўт ёки кўринг, улар бир-бирини сўндиради-ми? Ёмонлик балосининг малҳами фақат яхшилик.

Ана бундан ортиқ сабоқ йўқ. Бас, барибир яхшилик яхши экан, ҳар бир ақл-заковат соҳиби яхшиликнинг қадрига етмоғи, унинг убадиди узайтирмоғи, мақомини сарбаланд тутмоғи лозим. Токи, яхшиликнинг яхшилигига кўнгли маконда заррача гарду шубҳага жой қолмасин.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

Иссиқ жон ИСИТМАСИЗ бўлмас

... лекин у сифатсиз дори билан тузалмас

Яқинда кўшим билан гурунглашиб турарканмиз, у мавзусида дахлдор бир воқеани гапириб берди.

— Бир неча кун аввал ўғлим бегоб бўлиб қолди. Шифокорлар тавсия қилиб ёзиб берган дориларни излаб бир неча дориҳоналарга киришимга тўри келди. Ниҳоят, рўйхатдаги дориларнинг ҳаммасини топиб, сотиб олдим шифонага югурдим ва уларни давловчи шифокорга тутказдим. Шифокор дори-ларни бир-бир кўздан кечи-раркан. "Шокиржон, дори-ларни олиб келибсиз, лекин яхши қарамабсиз-да. Баъзи-ларининг фойдаланиш мудда-ти ўтган-ку", дея танбех берди. Шунда ўзим ҳам шоши-линча аҳамият бермаганимга амин бўлдим. Ҳақиқатан ҳам дориларнинг айримлари-даги фойдаланиш муддати деган жойидаги рақамлар ўтган ойна кўрсатиб турарди. Яхшиям, чек олганим. Дарров қайтиб алмаштириб келдим.

солиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д.Азимов. — Биласизми, дори-дармон дунё бўйича энг бозорбоп ва хари-дориги махсулотлардан ҳисобланади. Қачонки, бир-он-бир махсулот тез соти-луван ва фойда келтирувчан бўлди, унинг иккинчи ва-рианти, яъни қалбаки нусха-лари чиқиши ҳам турган гап.

Бу ҳозирги кунда онгимиз-га худдики бозорнинг ёзилмаган қонунидек ўрна-шиб қолган ҳамда барчага кун-дек равшан жараён. Бу маса-ладан, албатта, дори махсу-лотлари ҳам мустасно эмас.

Фикримизни қуйидаги ра-қамлар ҳам далиллайди. Ма-салан, бир муддат олиб бо-рилган тадбирларимиз даво-мида 59 ҳолатда қалбаки, 57 ҳолатда давлат реестрида рўйхатга олинмаган, мамла-катимиз ҳудудида тарқатилиши мумкин бўлмаган, 18 ҳолатда

яроқлилик муддати ўтган, 225 ҳолатда лицензиясиз дори-дармон махсулотлари тарқа-тилаётганини ёки сотилаёт-ганини маълум бўлди.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деганларидек бирор еримиз оғриси ёки жароҳат олсақ, дарров шифонага, ундан сўнг дориҳонага юра-миз. Шу топда уларни ўғиб наржотқоримиз, деб биламиз. Шошиламиз. Керакик нарса-ларни тезроқ харид қилиб, даволансақ дардан фориғ бўлсак... Натижада, сотиб олаётган нарсаимизнинг сифа-ти-ю муддатига эътибор қилиш ҳаёлимиздан фаромуш бўлади. Ҳолбуки, бизнинг бундай ҳа-саласизлигимиз айрим "учар"-ларга қўл келиши мумкин.

Биз бу билан сизга истем-олчи сифатда ҳуқуқингиз-ни яна бир қарра эслатиб қўйдик, ҳолос. Қолгани ўзин-гизга ҳавола. Ахир иссиқ жон...

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ

СПОРТ

Назорат баҳси ўтказилди

Эртага футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2010 йилда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини бошлайди. Хабарингиз бор, Рауф Инилеве шогирдлари ўз иштирокларини биринчи саралаш босқичидан бошлайди. Эртанги рақиб эса вакилларимиз учун бегона эмас — Хитой Тайпейи.

Маэкур ўйинга Рауф Талгатович терма жамоада ўйнаётган барча футболчиларни қаҳирган. Фақатгина "Урал" сафидаги футболчи Владимир Радкевич жароҳати туфайли Тошкентга келолмайди. Қуни кеча терма жамоа футболчилари МХСК майдонида бўлажақ учрашув олдидан ўқув-машғулот йиғини доирасида назорат баҳсини "Трактор" жамоасига қарши ўтказди. Учрашувнинг 10-дақиқасида "Курувчи" жамоаси ярим ҳимоячиси Виктор Карпенко ҳисобни очган бўлса, кейинги икки гол ҳам ўн дақиқалик интервал билан киритилди. 20-дақиқада Темур Копалде ва 30-дақиқада легионер Улуғбек Бақоев тракторчилар дарвозасини иш-тол қилиб, ҳисоби 3:0 га етказишди. Бу ҳисоб ўйин охирига қадар ўзгармасдан қолди.

"Йил ўйинчиси" ким бўлади?

Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) чоршанба оқшомида 2007 йилнинг "Йил ўйинчиси" номига номзод футболчилар рўйхатини эълон қилди.



For the Good of the Game

Рақиб маълум

Профессионал боксининг яримогир вазнида собиқ чемпиони, 38 ёшли америкалик Антонио Тарвер ўзининг навбатдаги жангини 1 декабрда ўтказиши маълум бўлди.

Унга WBO чемпионлик камарига даъвогар ватандоши Жорж Блэйдс рақиб-ли қилади. Тарвер ушбу жангга Блэйдсдан устун келса, яна чемпионлик учун жангларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Тарвер биринчи навбатда WBC камари соҳиби Чад Доусон билан "муштлашиш"ни мақсад қилган. Чунки, Доусон анчадан бери собиқ чемпи-оннинг устидан қулиб келмоқда. Тарвер эса чемпион билан учрашиши учун, аввало, рейтинг очколарини йиғишига тўғри келади.

Мария турнирни тарк этди

Россиялик Мария Шарапова ўз ватанида ўтказиладиган "Кремль кубоги" теннис турнирида мағлубиятга учради. Мусобақани иккинчи босқичдан иштирокини бошлаган Мария илк ўйинда мухлисларини ҳафа қилди.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган "Тошкент опен" финалида имкони-яни бой берган беларуслик Викториа Азаренка Марияни доғда қол-дирди. Икки сет давом этган баҳсда 6:7 (9:11) ва 2:6 ҳисоблари билан Азаренка галаба қозонди.

Биринчи сетда ташаббус Шарапова тарафидан эди. Натижа 5:3 бўлиб турган бир пайта рус теннисчиси қатор хатоларга йўл қўйди. Азаренка бундан фойдаланиб, тай-брекда сетни ютиб олди. Иккинчи сет эса Викториага қийинчилик туғдирмади. Оқибатда у 6:2 ҳисоби билан ютиб, 1/4 финалга йўлланма олди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Advertisement for AVTOTRAK corporation, featuring diesel engines and vehicles. Text includes: Давлат патентларига "AVTOTRAK" корхонаси, ЗИЛ..., ГАЗ..., ПАЗ..., КАВЗ автомобилларига дизеллар ўрнатади ва тегишли ҳужжатлар беради.

Advertisement for AVTODOM PLUS, offering car financing and leasing services. Text includes: Автотранспорт - кредит ва лизингга!, Россия Федерацияси "ГАЗ" ОАЖнинг ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютери.

Сиз ўз сармоянгизни қаерга жойлаштиришни билмаяпсизми? Сиз кафолатли ва барқарор келажакни хоҳлайсизми?

Пахта Банк Акциялари

Бу Сизнинг кафолатли ва барқарор даромадингиздир!



Вақт билан синалган

Инвестицион нуқтаи назаридан моҳияти:

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади.
• Фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.
• Пахта Банк ва унинг филиалларида акциядорларга валюта операциялари бўйича кўрсатиладиган хизматлар мобайнида чегирмалар тақлиф қилинади.
• Пахта Банк акциялари "Тошкент" Республика фонд биржасининг "А" тоифадаги расмий листингига киритилган бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.
• Юқори сифатли хизмат кўрсатилади.
• Пахта Банк акциядорларининг ҳисоби "PAXTA-SERVIS" депозитарийси орқали амалга оширилади.

Тўла маълумот учун тел.: 150-53-66, 173-25-51, 173-36-05

Advertisement for PAXTA-SERVIS, listing services and contact information. Includes: Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ, ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Агитай АДИЛОВ, Уткир РАҲМАТ, Хабиб ТЕМИРОВ, МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроекономика комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазириликлар ва идоралар, ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93, ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси - 585-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Сурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42, Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар, МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй